

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 27-NOYABR ■ SHANBA ■ 141 (27.316) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

мамлакатимиз сиёсий майдонида пайдо бўлган дастлабки кундан бошлаб иқтисодий ва ижтимоий эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш тарафдори эканини эълон қилиб, ушбу эзгу гоялар учун кураш олиб бормоқда. Аини чоғда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимоя этишни ўзининг асосий вазифаларидан деб ҳисоблайди

СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

**А.А.Жалоловни Сирдарё вилоятининг
ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:
Абдурахим Абдурахмонович Жалолов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

**Р.Ҳ.Ҳайдаровни Сирдарё вилоятининг ҳокими
вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:
Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 26 ноябрь



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ БАЁНИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

26 ноябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари барча минтақа ва ҳудудларимиз катори Сирдарё вилояти ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётда янги марралар сари интилаётганини таъкидлади. Тўққиз ойлик якунларига кўра, вилоятда ялли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоиз ўсди. Хориқлик ҳамкорлар иштирокида барпо этилган саноат корхоналари, жумладан, йилга 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион еврога тенг «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД» каби қўшма корхоналар ишга туширилгани вилоят иқтисодиётини юксалтиришда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, таҳлиллар шунга кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг асосий соҳаларидаги кўрсаткичлар, бу заминда шаклланган иқтисодий салоҳият пасайиб бормоқда.

Вилоятда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан бундан сурункасига бажарилаётган бўлди. Жорий йилда вилоят пахта тайёрлаш шартнома режаси бўйича республикада энг охири ўринда қолиб кетди. Вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди.

Фаллачилик соҳасида ҳам орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилаётган. 1 минг 66 фермер ҳўжалиги шартнома режасини бажара олмагани туфайли вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига, уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш кучайиб кетган.

Бундай салбий ҳолатларнинг сабаби вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янгилаш асосда ташкил этиш, бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўлаётган кетганлигидир. Шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, уларнинг масъулиятини оширишда жиддий хато-ларга йўл қўйилган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Равшан Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдурахим Жалолов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Дўстлик» каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Олимжон Ражабов, Боёвут туманидаги 31-мактаб директори Баҳри Бобокўлова, Гулистон туманидаги «Уч қаҳрамон» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Абдуразақ Абдуназаров, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси вилоят бўлими котиби Ҳаётхон Ортиқбоева Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уншоқлик ва масъулият билан адо этиш, Сирдарё шўхрати ва обрў-эътиборини тиклаш вилоят аҳолининг бугунги кундаги асосий бурчи эканини алоҳида таъкидладилар.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Акимжон АДДИВОН, ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ. Суратда: сессия пайти. А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Бугунги йилгиликимиз кун тартибига қўйилган масала бўйича батафсил фикр алмашиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари сессияда. Маълумки, мавсум ёки йил якунига етиши билан ҳар қайси жамоа, ҳар қайси ташкилот, керак бўлса, ҳар қайси туман ва вилоятда амалга оширилган ишлар танқидий нуқтаи назардан баҳолашни, сарҳисоб қилинади.

Бугун биз Сирдарё вилоятининг иш якунларини кўра эканмиз, эътиборни нафақат бир йиллик натижаларга қаратишимиз, балки охириги йилларда шу заминда барча соҳаларда эришилган марраларни эътироф этган ҳолда, ҳаммамизни ташвишга соладиган, чуқур ўйлашга мажбур қилган воқеалар, сурункали тўс олган оқсоқлик сабаблари ҳақида фикр юритишимиз ва уларни бартараф этиш йўллариини излашимизни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил қатор вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда, навбатдан ташқари сессияларда жойларда ишловларнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йилгиликимизда қим қандай ютуқларга эришгани, қим қандай хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида рўй-рост гапирилади, ҳар қим ўз ишига қараб муносиб баҳосини оляпти. Бирор рағбатга сазовор бўлапти, бошқа бировнинг эса ўз жойини бўшапти беришига тўри келяпти.

Қаерда бўлмасин, ютуқларимиз билан бирга камчиликларда ҳақида ҳам ҳеч қимдан яширмасдан, телевидение ва матбуот орқали халқимизга ахборот бериб бориляпти.

Масалала бундай ёндашув бизнинг демократия ва ошқоралик тамойиллари асосида янги жамият қураётганимиздан, ана шу умумбашарий қадриятлар онгу тафаккуримизга тораба сингиб, ҳаётимиз эркинлашиб бораётганидан далолат беради.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг тизилиш ва шаклланиш тарихи, сиёсий-ижтимоий, маданий ўрни, унинг бугунги кун ва келгуси истиқболлари ҳақида сўз юритганда, албатта, бу вилоят, бошқалардан фарқли ўлароқ, қандай

қийин ва оғир шароитда ташкил топганига алоҳида эътибор берилади, деди Президент. Жумладан, чўл ҳудудида жойлашган ушбу вилоят ерларининг аксарият қисми шўрланган, жазирама иссиқ, сув ресурслари, ишчи кучининг етишмаслиги каби объектив ҳолатлар мавжудлигини ҳеч қим инкор этмайди. Албатта, буларнинг барчаси Сирдарё вилояти ривожига, шу ерда яшаётган юз минглаб одамларнинг ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатаётганини ҳаммамиз тан оламиз.

Шу боисдан ҳам ҳар гал янги йил ва истиқбол режаларини белгилаётганда ҳукуватимиз ва тармок вазирликлари бу вилоятнинг муаммоларини алоҳида ҳисобга олиши нақадар муҳим экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Вилоятдаги аҳолини қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, етакчи қишлоқ ҳўжалик тармоғини оладиган бўлсак, тупроқ унумдорлигининг паслиги, ер ости сувларининг қўтарилиб, шўр босиш тораба кучайиб бораётгани, ирригация ва мелiorация ишларига доимий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлади.

Лекин, шулар каторида бир саволга ҳолисона жавоб берилик, деди Президентимиз. Сирдарё вилояти шароитига бундай қўз билан қараш, бундай муносабат ўз йўли билан, аммо шу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражасини бошқалардан кам бўлмайдиган бир босқичга кўтариш, уларнинг ўз меҳнати, куч-ғайрат билан муносиб даромад топиши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратиб бериш, аввало жамоатчилигимиз ва халқимизни шўнга сафарбар қилиш керакми, йўқми?

Яши ният билан меҳнат қилаётган одамларнинг бошини қовуштириш, кўнглини кўтариш, ишни оқилона ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, қийинчиликларда тобланган ва сўяги қотган, ор-номусли Сирдарё аҳли олдида амалий режалар ва катта марраларни қўйиб, уларни шу мақсад сари бошлаш қимнинг вазифаси бўлиши керак?

(Давоми 2-бетда.)

«ҲАМШИРА — 2004» ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзтелевидение» компанияси ташаббуси билан «Ҳамшира — 2004» кўрик-танлови бу гал Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Бу анъанавий беллашува Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган энг зукко, ўз касбининг

билмидони бўлган ҳамширалар иштирок этишди.

Ҳайбат аъзоларининг ҳўласига кўра, навоийлик ҳамшира Нилуфар Шонқулова мутлақ ғолиб, деб топилди. Нилуфар бош соврин «Матис» энгил автомашиниси ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса қорақалпоғистонлик Маъму-

ра Каримова ва хоразмлик Зилола Раҳмоноваларга насиб этди.

Танлов натижалари шунинг кўрсатдики, республикада ширинсухан, ўз ишини пухта билладиган ҳамширалар йил сайин кўпаймоқда.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ
ҚАНДАЙ БЎЛИШИ,
ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ,
ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ
БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ
БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ



ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

26 декабрь куни кўпгина ёшлар илк марта сайловда иштирок этиб, овоз бердилар. Ҳўш, улар сайлов ас-лида нима эканлигини, сайлаш ва сайланиш тартиблари, шартларини билишадими? Сайлов жараёнида ёшларнинг ўрни ва иштироки, сайлов ҳуқуқи ва тизими, икки палатали парламентнинг афзалликлари ҳақида-чи?

Мамлакатимиздаги мавжуд бешта партия вакилларининг Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан бўлган учрашувида юқоридаги саволларга жавоб изланди.

— Очиги, — деди учрашувада дастлаб маъруза қилган ЎЗМУ ректори Равшан Ашуров, — ёшларимиз, талабаларимиз орасида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнга, воқеага берақлиқ, лоқайдлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Узим гувоҳ бўлдим, ҳаттоки, сайлов

қачон, қайси куни ўтказилишини билмайдиганлар бор. Бундайлар санокли бўлса-да, биз улардаги лоқайдлик кайфиятини, муносабатни ўзгартиришимиз керак.

Учрашувада мамлакатимизда мавжуд партияларнинг вакиллари бирин-кетин сўзга чиқиб, ўзларининг дастурий мақсад ва вазифалари, партия ташкил топган кундан бошлаб то шу кунгача бўлган фаолияти, сайловга тайёргарлик жараёна-лари каби масалалар ҳақида талабаларга сўзлаб беришди.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Рустамов ўз чиқишида партия фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида гапирар экан, халқ фаровонлигини ошириш, талабалар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг манфаатларини ифода этиш

ва ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири эканлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов талабаларнинг қатор саволларига жавоб берди.

Тадбир сўнгда талабалардан тушган саволлар аксарият ёшларимиз билимдон, фаол, қизиқувчан эканлигини кўрсатди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ Суратда: учрашудан лавҳа. М.АМИН (ЎЗА) олган сурат

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашларида партиядан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят ва шаҳар Кенгашларига депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сайлов мавсумида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда депутатликка номзодлар, туман ва шаҳар партия кенгашлари котиблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги сайлов штабларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғри-

сида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби С.Усмонов, сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг, уларнинг ишончли вакилларининг сайлов мавсуми давридаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг катта илмий ходими А.Нурматов, сайловлар жараёналарида ЎЗХДПнинг нуқтаи назари тўғрисида Марказий Кенгаш котиби М.Ельшов сўзлаб берди.

Тадбирни ЎЗХДП Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашлари биринчи котиблари С.Аъзамов ва Л.Ғуломовлар олиб бордилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

ҚАЛЪАМИРИШКОРНИНГ СПОРТ ҚОШОНАСИ

Пешку туманида болалар спортини янада ривожлантириш ва янги мажмуалар қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Туманнинг аҳоли гавжум яшайдиган Алишер Навоий номи ширкат ҳўжалиги ҳудудида барпо этилган ҳашаматли болалар спорт мажмуаси бунинг исботидир.

— Мазкур мажмуанинг меъморий ечими ўзига хосдир, — дейди туман ҳокимининг муовини Мансур Қудратов. — Шу боис, у бошқалардан ажралаб туради.

Дарвоқе, Қалъаамиришкор қишлоғидаги бу спорт мажмуада барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, спортнинг

ўнлаб турига оид майдончалар, каттагина ўйингоҳ ҳам ишлаб турибди. Болалар спорти жамғармаси маблағидан 177 миллион сўм сарфланган мажмуадаги ободонлаштириш ишларини эса тумандаги тегишли ташкилотлар амалга оширдилар.

Даврон БАҲРОНОВ

«Обуна — 2005»

- Мамлакатимизда ёши энг улўф газета — бизнинг газета.
- Халқ манфаатлари, миллат манфаати учун кураш бош мақсади бўлган газета — бизнинг газета.
- Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимоялашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билган газета — бизнинг газета.
- Муаммоларни энг кўп, ошқора ёритадиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга бел боғлаган газета — бизнинг газета.
- Бу газета Ўзбекистанимиз овози, сизу бизнинг овозимиз, эркин сўзимиз!

ФМТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси

АБОНЕНТИК газета 220

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

Обуна сони

2005 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Каерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш

Баҳоси	сўм	обуна сони
Баҳоси	сўм	

2005 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Каерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ЁШЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАР

Тошкент транспорт касб-хунар коллежида ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов билан талабалар учрашуви бўлиб ўтди

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, коллежда ёшларнинг пухта билим олишлари, спорт билан жиддий шуғулланишлари, ўқув хоналарининг жиҳозланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. То-заллик, озодликка эътибор кучли, коллеж ҳовлисининг манзараси гўзал.

Учрашувда А.Рустамов ЎзХДПнинг тарихи, фаолияти, дастурий мақсад ва вазифалари, булажак сайловлар, сайлов тизими, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шаклланиши тўғрисида талабаларга маълумотлар берди.

Шундан сўнг кутилганидек, талабалар ўзларини қизиқтир-

ган саволларни бера бошладилар.

Савол: Агар сайловчи депутатликка номзодларнинг бирортаси ҳам ёқмаса, маъқул келмаса, у ҳолда нима қилиш керак?

Жавоб: Агар ўша сайловчи ҳеч бир номзодга овоз беришни истамаса, сайлов бюллетенида исми-шарифи берилган номзодларнинг ҳаммасини ўчириб ташлаши мумкин.

Савол: ЎзХДП айнан биз талабаларга нима қилиб бера олади?

Жавоб: Сизларни ҳимоя қилади. Партиямиз сизларнинг билим олишларингиз, касб-хунар ўрганишларингиз учун манфаатларингизни ҳам

ҳимоялаб, ҳам ифодалаб келган ва шундай бўлиб қолади.

Савол: Бир киши бир вақтининг ўзида ҳам Қонунчилик палатаси депутаты, ҳам Сенат аъзоси бўлиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас.

Савол: Олдинги депутатлар билан энди сайланадиган депутатлар фаолиятида фарқ борми?

Жавоб: Бор. Илгари кўпчилик депутатлар Олий Мажлис сессияларида, қўмиталарнинг йиғилишларида иштирок этиб, фаолият кўрсатишган. Энди эса Қонунчилик палатаси депутатлари Олий Мажлисда доимий ишлашади.

Али НЕЪМАТОВ
Суратда: учрашувдан лавҳа.



М.АМИН (ЎзА) олган сурат

Учрашув

Жорий йилни сайловлар йили десак, асло янглишмаймиз. Чунки 80 дан ортиқ давлатларда сайловлар бўлиб ўтаётганидан биз оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз. Сибёсат майдонида янгликлар, сайловларнинг эркин ва очик бўлиши, ўзаро кескин курашларни халқимиз кузатиб бормоқда.

«САЙЛОВ ВА БИЗ»

26 декабрь куни ўтказилган сайловга мамлакатимизда кўтаринки кайфият билан тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда сайловга бағишлаб турилиб, тардбирлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Политехника касб-хунар коллежида ўтказилган «Сайлов ва биз» мавзига бағишланган тадбирда ЎзХДП Сирғали туман кенгаши иккинчи котиби Зуҳра Ҳақимова сўзга чиқиб, сайловларга тайёргарликлар, партиянинг сайловдаги платформаси, номзодларнинг вазифалари ҳақида алоҳида тўхтади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг катта илмий ходими Камолитдин Раббимов 18 ёшга тўлган коллеж талабаларини биринчи марта сайловда иштирок этишлари билан қўтлади. Сайловнинг эркин ва очик бўлишида ёшларнинг унга ҳолисона ёндашиши зарурлигини таъкидлади.

Унда МАНСУРОВА



ЗИЛЗИЛА ҚАЙД ЭТИЛДИ

Италия шимолда Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балли зилзила қайд этилди.

10 соғия давом этган ер силқинишининг маркази Милан шарқида жойлашган Гарда қўли ҳисобланмоқда.

Жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ЖИНОЯТЧИ ҚИДИРИЛМОҚДА




Хитойда шахси аниқланмаган жиноятчи ўрта мактабнинг 8 нафар ўқувчиси ҳаётига зомин бўлди, 4 тасини яралди.

Xinhua агентлиги маълумот беришича, Хэнань музофоти-нинг Жуңжоу шаҳридаги ўрта мактабга пичоқ билан қуролланиб бостириб кирган жиноятчи полиция томонидан қидирилмоқда.

МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Мьянма пойтахти Янгоне шаҳрининг қамқоқонасидан бир юз элликка яқин маҳбуслар озод этилди. Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг хабар беришича, озод этилганларнинг кўпчилигини сиёсий маҳбуслар ташкил этади.

АРТУР ХЕЙЛИ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМДИ



Ёзувчи Артур Хейли Багама оролларидаги уйда ҳаётдан кўз юмди.

Касби бўйича журналист бўлган британиялик Артур Хейли ҳаётининг кўп қисмини Канадада ўтказди, кейин эса Багама оролларида кўчиб ўтанди.

УКРАИНА:

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ВА ҚАЛТИС ВАЗИЯТ



Украинада ўтказилган президент сайлови дунё ҳамжамияти диққат марказида турибди. Бу сиёсий жараённинг расмий натижаси эълон қилинган бўлса ҳам томонлар ўртасидаги кураш тобора авж олмақда.

Украина муҳолифат кучлари етакчиси Виктор Ющенко парламентнинг микрофонлар ўчилган залида ўз халқига содиқлиги ҳақида қасамд қабул қилди.

Мамлакат Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларига кўра бош вазир Виктор Януковични президент деб эълон қилгач, муҳолиф кучлар сайловчиларни намойишлар ўтказишга чақирди.

Бу ҳаракатлар сайлов бюллетенларининг 99 фоизи ҳисоблаб чиқилиб, натижалари эълон қилингандан кейин бошланди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, Украинадаги қалтир сиёсий вазият фуқаролар тўқнашувига сабаб бўлиши мумкин.

Ющенко тарафдорлари Украина Марказий сайлов комиссиясининг раиси С.Кивалов Янукович сайловларда галаба қозонганини маълум қилмасданқо намойишларга чиққан эди. Мамлакатнинг марказий Мустақиллик майдонига кунга юз мингдан ортиқ намойишчилар йиғилмоқда.

Украинанинг марказий Крешатик кўчасида беш юзга яқин чодир қурилган. Қор ёғиши ва беш даражали совуққа қара-

масдан кечаю-кундуз «Вақти келди» («Пора») ёшлар ҳаракатининг фаоллари уларда навбатчилик қилишмоқда. Улар Ющенко ғолиб дея эълон қилинмагунча бу ердан жилмасликларини айтишмоқда. 23 ноябрь куни намойишчилар Украина парламенти — Олий Радани ҳам қуршаб олишди.

Сайловнинг иккинчи турида сайлов қонунчилиги борасидаги ҳуқуқлар бузилгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айниқса, АҚШнинг Миллий Демократия Институтини Украинадаги сайловларнинг ҳаққонийлигига шубҳа билдиришмоқда.

Хўш, нима учун Украинада шундай ҳол юз бермоқда?

Энг аввало, иккала Виктор ўртасидаги кураш шунчалик ҳокимият учун талаш эмаслигини эътироф этиш керак. Муҳолифатчилар Марказий банкнинг собиқ раиси ва собиқ бош вазир Ющенко номзоди мисолида мамлакатда ўтказилиши керак бўлган ислохотлар ва Фарб билан яқинлашувга умид боғлашмоқда. Иккинчи номзод, бош вазир Янукович тарафдорлари эса айна пайтдаги бошқарув тизимини сақлаб қолиш ва Россияга иқтисодий яқинлашувни исташмоқда.

Кўриб турибдики, сайловчилар ўз хайрихоҳликларига кўра иккига бўлинган. Мамлакатнинг шарқий қисми Януковични, ғарбий қисми эса Ющенкога овоз берган. Янукович Марказий сайлов

комиссияси томонидан сайлов натижаларига кўра, ғолиб деб эълон қилинган, халқ олдида сўзлаб, одамларни турли радикал ҳаракатларга қўшилмасликка чақирди.

— Биз осойишталикни сақлаймиз, — деди Украинанинг амалдаги президенти Л.Кучма. — Ҳукумат вазиятнинг назорат қилиб турибди. Мақсадимиз иккала томоннинг ҳам куч ишлатишига йўл қўймаслиқдир.

Украина расмийлари нима бўлганда ҳам «қонун доирасида иш қўришни» маълум қилишмоқда. Улар муҳолифат қилишларининг биринчи эълон қилинган Киев яқинидаги Ирпень шаҳри аэродромига Россиянинг «Витязь» махсус бўлинмаси қўшинлари етиб келгани ҳақидаги хабарни рад этишди. Шунга қарамадан, бошқа манбаларнинг маълумот беришича, Киев яқинидаги Беличи шаҳри вокзалига қўсонли танк ва бошқа ҳарбий техника сафарбар этилган. Қўчаларда қуролланган милиция ходимлари сонин кескин ошган.

Украинада юзага келган вазиятни энди икки Викторнинг музокараларига юмшатиши мумкин. Бирок бунинг учун музокаралар ташкил этилиши лозим.

Людмила ПЕСТЕЛЬНИК,
Киевда «Политический журнал»нинг халқаро ахборот бўлими мудири
«Ўзбекистон овози»
учун махсус тайёрлади

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент давлат юридик институтига «Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигининг долзарб муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни шу институтнинг Магистратура маркази билан Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда сайлов қонунчилигига амал қилиш, фуқароларнинг сайлов жараёнидаги ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда улардаги камчиликларни ҳал этиш муаммолари ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, институтнинг Мавлуда Аҳмадшоева, Дамира Эргашева, Самат Ҳамроев каби профессор-ўқитувчилари ўзларининг мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини билдириб, давра суҳбати қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Жамила СОВВОЛДИЕВА


Пойтахтимиздаги Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник шифохонаси кулоқ, томоқ ва бунун касалликлари бўлими шифокорлари хизматидан беморлар хурсанд. Бу ерда ушбу соҳада мактаб яратган Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, марҳум профессор Акрам Мўминовнинг шогирдлари, издошлари тиббиёт фанлари доктори, профессор Карим Жабборов, доцент Толиха Маматова, тиббиёт фанлари номзоди Еқуб Жабборов каби малакали, ўз касбига садоқатли инсонлар хизмат қилишади.

— Бизда 15 дан ортиқ профессор, доцент ва олий тоифали шифокорлар меҳнат қилишади. Барчанинг мақсади ягона — сендан наҳот сўраб келган беморга ёрдам кўрсатиш, уни дардан холос этиш. Назаримда шифокор учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ҳар йили бизнинг бўли-

Шифо масканларида

мимизда беш юздан ортиқ жарроҳлик операциялари амалга оширилади, — дейди ушбу бўлим раҳбари Ка-

ИБРАТЛИ ЖАМОА



рим Жабборов. Бу ерда даволанувчилар учун керакли шариоитларни яратиб беришда шифохона маъмурияти ҳам имкон қадар ўз ёрдамини бермоқда. Барча хоналар тўлиқ

ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Шунингдек, ёш шифокор олимларнинг ўқув қўланмалари нашрдан чиқарилимоқда.

Маъмуржон МАҲМУД
Ҳасан ПАЙДОЕВ (фото)

МАҚСАД: МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Темурийлар тарихи давлат музейининг анжуманлар залида республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Тошкент молия институтининг «Умумийқисдий назария ва иқтисодий педагогика» кафедраси томонидан уюштирилган «Маънавият, илму фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан маърузачилар ёш авлодга замон талабларига мос равишда илм бериш ва уларнинг маънавий барқарорлигини мунтазам оқсатириб бориш хусусида фикр алмашди. Жумладан, бозор иқтисодиёти даврида иқтисодиётни ўстуворлигини таъминлаш қанчалик муҳимлиги ва бу яилит тушунгани ўрганиш, аввало, оилада бошланмоғи, мактаб ҳамда мактабга таълим муассасаларида кенг қўламда ўқитилиши кераклиги ҳақида ҳаётий мисоллар асосида муносабатлар билдириб ўтиди. Шунингдек, барқамол авлод таълим-тарбиясида иқтисодий билим ва маънавият сабоқларининг уйғунлигига эришиш йўллари хусусида ҳам мушоҳадалар юритилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2004 йилнинг 28,31 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар ҳудудига жойлашган уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқи кўйилади.

— А.Икромов тумани, «Уриқзор» даҳаси, Зарафшон тор кўчасида сатҳи 0,04 га. бўлган уй-жой қуриш учун мўлжалланган тўртта ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқи. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 672 000 сўмдан.

— Яққасарой тумани, А.Авлоний кўчасида ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган уй-жой қуриш учун мўлжалланган иккита ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқи. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 480 000 сўмдан.

— Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 298-уй ёнида сатҳи 0,006 га. бўлган уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқи. Бошланғич нархи — 253 200 сўм.

— Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида сатҳи 0,04 га. бўлган уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқи. Бошланғич нархи — 2 840 000 сўм.

Хамда Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофая вазирлиги Савдо бошқармасининг автокорхонасига қарашли 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 33-16 ТПШ бўлган «КамАЗ» русумли авто-

транспорт воситаси кўйилади. Бошланғич нархи — 1 455 158 сўм.

Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«а» уйда жойлашган «AVTOTO'XTOVTEKXIZMAT» бошқармасининг 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AX 962 бўлган «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 357 621 сўм.

М.Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уйда жойлашган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 627 бўлган «Москвич — 2141» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 574 426 сўм.

Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 93 кв.м. бўлган бино қўйилади. Бошланғич нархи — 6 516 323 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларини учун савдолан уч кун аввал, қолган объектлар учун савдолан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истagini билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нарҳини 10% миқдоридида закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Узуйжойжаморбон» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома №000815

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркор жаноблар! ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясининг қарорига асосан, 2004 йил 12 октябрда ўтказилган танлов савдолари натижасининг 22-ихтисослаштирилган механизациялашган кўча колоннасига (СПМК-22) тегишли қисми бекор қилинганлигини ва ушбу объект қайта танлов савдоларига қўйилганлигини, шунингдек танлов савдолари:

2004 йил 27 декабрь, 2005 йил 11 ва 25 январь кунлари деб эълон қилинганлигини маълум қилади.

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат корхонаси бўйича МАЪЛУМОТ

№	Корхона номи	Манзили	Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси тақлифлари			
			Бепул бериш тартиби бўйича (мулкнинг сифатида, тўлиқликча ёки уларнинг ишлаб чиқарилган бинолари ва эгалда турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (савлаб қолиш ёки савлаб қолмаслик шарты билан)	Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми (** (млн. сўм))	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш мuddати (йил)
1	22-ихтисослаштирилган механизациялашган кўча колонна (СПМК-22)	Яққасарой тумани, Муқимий кўчаси, 3-уй	Мулкнинг мажмуа сифатида, тўлиқликча	Фаолият турини савлаб қолмаслик	250,0	2

Изоҳ: * Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан узининг тақлифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Танлов савдолари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 А-уй манзилда бўлиб ўтади.

Танлов савдоси ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ томонидан ўтказилади.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
1. Талабдорнинг тўлов қобилиятига эгаллигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қабуллат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудит-торлик фирмасининг хулосаси.
3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тай-

ёрланган бўлиши шарт).
Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион тақлифлар танлов савдоси кундан 48 соат аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилишигиз мумкин:
Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.



«СУВ ПАРИСИ» ЯНА ТОШКЕНТДА



Сўнгги йилларда мамлакатимиз халқаро мусобақалар ўтказиладиган ўзига хос марказга айланиб бормоқда. Негаки, спортга алоҳида эътибор берилган ва спорт мажмуаларининг халқаро андозаларга мос равишда барпо этилаётгани тўғрисида турли халқаро турнирларнинг йўналишида ташкил этиш имконияти мавжуд. Ана шундай нуфузли мусобақалардан яна бири шу кунларда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуиди давом этмоқда.

Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири беш йилдирки, кўплаб дунё спортчиларини ўзига жалб этиб келмоқда. Илк бор 1999 йилда ташкил этилган мазкур мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётди. Бу йилги бахсларда Россия, Хитой, Қозғоғистон, Ҳиндистон ва Беларусиядан ташриф буюрган элликка яқин спортчилар иштирок этмоқда. Мусобақада юртимиз шарафини Даря Можяева, Наталья Корнеева, Валентина Попова каби маҳоратли спортчилар ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Сув париси» V халқаро турнирининг очилиш маросими байрамона тус олди.

— Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда хотин-қизларнинг jismoniy тарбия ва спортга жалб қилиш мумкин аҳамияти касб этади. Шунинг учун ҳам аёллар ўртасида энгил атлетика, теннис, бадий гимнастика ва сув спорти турлари жадал ривожланмоқда. Халқаро сув спорти федерацияси — ФИНА 2009 йилги жаҳон чемпионатини мамлакатимизда ўтказишни режалаштираётгани ҳам бунга яққол далил бўлади, — деди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси президенти Светлана Иномова.

Тадбирда шунингдек, ФИНА аъзолари И.Карташов, М.Моргунов, Миллий Олимпия кўмитаси раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўринбосари К.Юсупов иштирок этди. Уч карра Олимпияда ўйнаган ва саккиз карра жаҳон чемпиони Ольга Брускинининг дил сўзлари ёш спортчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳолилар номи бугун маълум бўлади. Авар САМАДОВ

Улуғбек Йўлдошев:

«ФАЛСАФА ЯШАШНИ ЎРГАТАДИ»

— Улуғбек, сиздан ҳамма «Ўтқурийни сўрашга ўрганиб қолди. Сиз «замонавий Ўтқурийни» катта экранда яратдингиз-да. Бу ҳақда яна гапириш Сизга ноқулай эмасми?

— Аксинча, мен ҳаммиша у ҳақида (яъни «Ўзим» ҳақида) фахр билан гапираман.

— Сиз Ўтқурийни ижобий образга айлантирдимизми? Ёки образли қилиб айтганда, Обид Юнусовдай машҳур санъаткорнинг «панжасига панжа» урдингизми?

— Йўқ, Лекин шундай асарлар, образлар бўладики, орадан 100 йил ўтса ҳам, у ўша даврнинг «карамон» бўлиб қолаверади. Мана, Шекспирнинг «Гамлет»дан бошқа қанча асари бор, лекин ҳамма актёр Гамлетни ўйнагани келади ёки Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ни олайлик, қайси актёр Фарҳод ёки Ширинни катта экранда яратгани келмайди? Шундай салбий образлар борки, томошабинни ўйлашга, фикрлашга мажбурлайди. Мен «Ўтқурийни» ўзбекининг Дон Жуани деб биламан, айтишадик, у «қуйма», бетакрор образ. Дастлаб режиссёр Машраб Кимсанов мента сценарийни тутқазиб, бош роляга тақлиф этганида, очини, иккиландим. Ўйлаиб қолдим. Устоз санъаткор Обид Юнусовнинг олдиға бордим, у киши ўнг елкамға қўлларини қўйиб, оқ фотиха берди. Кейин роляға жиддий киришиб кетдим.

— Айтинг-чи, сиз ростан ҳам шу ролни ўйнаш учун сочларингизни шунча ўстирдимизми? Атрофдагилар бунни қандай қабул қилишди? Умуман бу гоа қимдан чиққан?

— Рост! Бир ярим йил сочим сартарош қўрмади, елкамдан ҳам ошиб, ўсиб кетди. Гоа меники, чунки менинг қахрамоним кечаги Ўтқурий эмас, бугуннинг одами, салбий қахрамон. Ҳўш, томошабинда унинг нанки ички дунёси, кирдиқорлари, балки ташқи қўриниши ҳам (бизнинг тилда бунни «диққатни тортиш деталлари»

дейилади) қизиқиш уйғотиши керак-ку! Менимча, ёмон чиқмади. Айтмоқчиманки, мен актёр сифатида «айтар сўзимни айтдим». Обид аканинг зўр овози бор, «Қарамайсиз» қўшигини шунчалар қойиллатганларки, спектакль юз марта қўйилган бўлса ҳам бошқа дублёр бўлмаган. Сенсация! Менда эса овоз йўқ.

Шундай образли катта экранга олиб чиқиш гоаи эса кино

ланман. Дастлаб Россия жамоатчилик телевидениесининг бюрутмасига биоан суратта олинган «Осмон ила ер» («Небо и земля») телесериалида мафия бошлигининг жиани — нарқобарон ролини ижро этдим. 17 серияли «Эгизаклар» («Близнецы»)да қизларға суяги йўқ йигитни ўйнадим. Ўзбек режиссёрадаги биринчи ролим «Аёл зоти»да, кейин «Дев билан пахана»да милли-

Тахририятимиз меҳмони

манган. Дастлаб Россия жамоатчилик телевидениесининг бюрутмасига биоан суратта олинган «Осмон ила ер» («Небо и земля») телесериалида мафия бошлигининг жиани — нарқобарон ролини ижро этдим. 17 серияли «Эгизаклар» («Близнецы»)да қизларға суяги йўқ йигитни ўйнадим. Ўзбек режиссёрадаги биринчи ролим «Аёл зоти»да, кейин «Дев билан пахана»да милли-

манган. Дастлаб Россия жамоатчилик телевидениесининг бюрутмасига биоан суратта олинган «Осмон ила ер» («Небо и земля») телесериалида мафия бошлигининг жиани — нарқобарон ролини ижро этдим. 17 серияли «Эгизаклар» («Близнецы»)да қизларға суяги йўқ йигитни ўйнадим. Ўзбек режиссёрадаги биринчи ролим «Аёл зоти»да, кейин «Дев билан пахана»да милли-



— Нега сизға кўпроқ салбий ролларни беришди? Қачон «яқши» ролда ўйнайсиз? Умуман ўзингизни актёрликдан бошқа соҳада ҳам кўрсата оласизми?

— Чунки салбий рол ўта мураккаб, қолверас, кинода ташқи қўриниши, нигоҳ, қараш... ҳаммаси аҳамият касб этади. Яқин келажакда ўзини режиссёрада синаб кўраман. Замонавий фильм — ёшлар орасидаги ишқ-муҳаббат мавзуси устида ишляганман. «Бошқа рақурдан туриб» демократизми? Бироз нокаментарлик бўлсаям, ростини, айтаман: ўзимни сиебсатда синаб кўроқчиман, чунки мени бугунги ёшларнинг сиебсий онги, фикрлаши жуда қизиқтиради. Баъзи тенгдошларимнинг сиебсий савиясидан кўнглим тўлмайдик, шу

либ, ўй сураман, «аланга тўлкини» менга ҳаётни аналтади: қураш, энгил, мағлубият. Ҳадемай тонг отишини қўй қилиб тураман, эртанги кунға умид туғилди, ҳуллас, менинг ўз фалсафий олами бор. Спортда шарқ яққа қураши билан шугулланаман, от спортига қизиқаман, Отчоллардаги от мактабиде «Антик», «Афсона», «Шарқ» лақабли отлар билан машқ қилиб, Парашютада сакрайман, кези келса, фильмлардаги трик-каскадёрликни ҳам эплайман. Буларға қандай қилиб эришаман? Сабаби оддий, мен фалсафани кўп ўқийман, у инсоннинг рўhini чиниктиради, спорт бўлса организмни...

Танқидни қандай қабул қиласиз?

— Танқидни, тўғриси, қабул қилишим учун, аввало, у мени ишонтирса, фикрга қўшиламан. Аммо асоссиз «танқид»га индамай муносабат билдираман. «Соф муҳаббат ҳаммиша голиб» қўйилганда томоша залига кириб ўтирдим. Томошабинлардан бири таниб қолди, (айниқса, аёллар, қизлар!) «Э, ярамас, хотин-боз» дейишди ҳам, шунда бир ёши каттароқ опанинг ёниға бориб «рахмат» десам, «Вой муттахам-э» дедилар, қулиб юбордим. Ахир кинодан мақсад шуда. Томошабинда фикр уйғотиш, бугуннинг «Ўтқурий»и шунанка...

— Инсондаги қайси фазилатни қадрлайсиз?

— Мана, ер юзиде миллиардлаб одам бор. Лекин уларнинг бари шахс бўлиб етишмаган-ку. Мен ҳаётда шахс бўлиб камолотта эришган одамни, у қайси касб, милағти, ирқи, эътиқоидан қатъи назар, қадрлайман. Актёр ўзи шахс бўлиб шакланган бўлсагина томошабин «унга», «ролга» ишонади, йўқса, бари беҳуда. Устозим — атоқли санъаткор Шўхрат Аббосовнинг ижодини, шахсиятини жуда ҳурмат қиламан.

Сўхбатдош: Саид САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ёшларимизнинг маънавий баркамол шахс бўлиб шаклланишларида, ўзларини теран англашларида, етук тафаккур эгаси бўлиб вояға етишларида санъатнинг, айнақса, кинонинг ўрни беқисс. Ҳўш, бугунги ёшлар қандай киноларни кўришяпти? Қолверас, уларбор, замонавий «ўз киноларимиз» борми? Актёрлар-чи? Мухтасар қилиб айтганда, бундай саволлар кўпчиликини қизиқтиради. Одатда, шундай кезлари машҳур кинорежиссёр, санъатшунос, оддий томошабинларнинг мулоҳазаларига эътибор қаратилади. Биз эса бугун ёш актёрларнинг томошабин ва ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билгимиз келди ва ёш актёр — Улуғбек Йўлдошевни тахририятимизға тақлиф этдик. Томошабинлар бу актёрни кўпроқ Уйғунинг «Паровоз» саҳна асарининг янгиича толқини — «Соф муҳаббат ҳаммиша голиб» фильмидаги Ўтқурий образи орқали танишади.

ижарачи, Андижондаги «Чўлпон» кинотеатри директори Уктам Исроиловдан чиққан. Фильм «Бо-бушхо» студиясида суратта олинди.

— «Овозни» қаердан олдингиз? Бу илк ролингизми?

— Қўшиқами? Ҳа, тушундим... Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Номозов ва хонанда Гулжаҳон Сотволдиевалар «Қарамайсиз»ни дует қилиб ижро этишган. Бу илк ролим эмас. Болалиқда мен фазогир бўлишни жудаам хоҳлардим, орзулар оламиде яшардим. 1977 йилда оиламиз Москваға қўчиб кетган, ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Биз асли Қорақалпоғистондан, тўртқўлликмиз. Отам Солиҳон Йўлдошев 14 ёшидан (урush даврида) кинемеханик бўлиб ишлаган эканлар, кейин режиссёрлик қилган. Лекин мен ҳеч актёр бўламан деб ўйлама-

ция бошлигининг жианини ўйнадим.

— Нега сизға кўпроқ салбий ролларни беришди? Қачон «яқши» ролда ўйнайсиз? Умуман ўзингизни актёрликдан бошқа соҳада ҳам кўрсата оласизми?

— Чунки салбий рол ўта мураккаб, қолверас, кинода ташқи қўриниши, нигоҳ, қараш... ҳаммаси аҳамият касб этади. Яқин келажакда ўзини режиссёрада синаб кўраман. Замонавий фильм — ёшлар орасидаги ишқ-муҳаббат мавзуси устиде ишляганман. «Бошқа рақурдан туриб» демократизми? Бироз нокаментарлик бўлсаям, ростини, айтаман: ўзимни сиебсатда синаб кўроқчиман, чунки мени бугунги ёшларнинг сиебсий онги, фикрлаши жуда қизиқтиради. Баъзи тенгдошларимнинг сиебсий савиясидан кўнглим тўлмайдик, шу

ланган-ку. Фалсафани ёқтираман. Кант, Сўкрат, Арстотел назариясини ўқийман. Фалсафа инсонға яшаш йўлини, принципи, қоидасини кўрсатади-да, айттайлик, менинг яшаш принципим — ортимда ўчмас из қолсин.

Рўҳимға яқин фалсафани Беруний, Шопенгаурда топанман. Шопенгаурнинг маърузаларига 2-3 тадан ортиқ тингловчи келган эмас экан. У айтди: «Инсон яшар экан, тирик экан, у замонға, бугунға қараб фикрлайди» деган, ёки унинг «ўлиқларгина фикрини ўзгартирмайди» деган фикрини олинг, минг йилдан кейин ҳам шу гап замонға тўғри келаверади.

— Бўш вақтдан қандай фойдаланасиз?

— Бўш вақтим кам бўлади. Гоҳо ишда қарчасам, сиқилсам тунги пайтларда шам ёқаман-да, соатлаб унинг аланасига тики-

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

МАНА БУНИ ОМАД ДЕСА БЎЛАДИ

Деярли кўпчилигимиз бирдан бойиб кетишни, катта мерос эгаси бўлишни ёки лотерейдан миллионлар ютиб олишни орзу қиламиз. Орузға эса айб йўқ. Ҳаёларға эрк берсак борми... Эхе...

Омад деган гап бор. Биров ишонди, биров эса... Узим ҳам қарийб 15 йилдирки, «Спортлото» ўйнайман. Қанийди, омадим чопиб миллионер бўлсам.

Асосий гапға ўтсак. «Спортлото»нинг ўтган ҳафта бўлиб ўтган 146-тиражида шевшувли воқеа юз берди. Самарқанд вилояти Челақ шаҳрида яшовчи ошпаз олти рақамни тўғри топиб нақд 423.393.992 сўм «Жек-пот-ни» ютиб олди. Мана бунни омад деса бўлади.

— 1200 сўмға лотерей сотиб олгандим, — дейди миллионер. — Ҳўтдим.

Қизиқ томони шундаки, 146-тиражида оз эмас, кўп эмас бир миллиондан (!) ортиқ «Спортлото» варианты иштирок этган. Омад эса бир кишиға қулиб бокди. Бир таншимнинг айтишича, оғайниқ (исми-шарифи, ишлаш жойи мафий экан) 500.000 сўмға «Спортлото» ўйнаган экан. Бир тийин ҳам ютмабди.

Челақ шаҳрида яшовчи ошпаз эса бор-йўғи 1200 сўм сарфлаб қарийб ярим миллиард сўм эгаси бўлиб турибди.

Омад ҳар кун келаверамайди. Бир кун олдин, бир кун кейин деганларидек, ҳаммамизнинг ҳам омадимизни бормиз.

Раъшан ШОДИЕВ

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан ХАЛҚ БАНКИ АҲОЛИГА ЎЗИНИНГ 20 ГА ЯҚИН ЖОЗИБАДОР ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТГАН ҲОЛДА ЯНГИ «БАЙРАМ» ҚИСҚА МУДДАТЛИ, ЮТУҚЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ЖОРИЙ ЭТДИ. Омонатға пул маблағлари камида 25000 сўм миқдориде Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ТУЗАТИШ Газетамизнинг 25 ноябрь сониде эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан депутатликка қўрсатилган номзодларнинг рўйхати»даги 3-устун, пастанд 19-қатор «101-Хонда округиде Абдуллаев Уринбай Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг бошлиғи» деб ўқилсин.

«ЯҚШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 135-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиғи уни чиптага айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериисининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиғи текширилади.

Table with 4 columns: Тур, Рақам, Сони, Сумма. Lists winning numbers and amounts for various lottery categories.

Table with 4 columns: Тур, Рақам, Сони, Сумма. Lists winning numbers and amounts for various lottery categories.

«Лаҳзали Яқши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами: 20, 22, 31, 36, 64, 74

«Яқши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 16 декабрдаги 136- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

- 1-турда биттадан Автомагнитола
2-турда биттадан Видеомагнитофон
3-турда биттадан рангли Телевизор
4-турда 60.000.000 сўмлик ЖЕК ПОТ ўйналади.

«ЯҚШИ НИЯТ» Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта қўрсатилган вақотин «Лаура» ХФ сиду берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 ўй. Мўлажал: «Украинка» дўкони. Тел: 8(3712) 36-25-34, 56-26-60. Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда «Лаура» тарқатувчилардан олиш мумкин. ХФ сиду ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

BOH MUHARRIR: Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV Asliddin RUSTAMOV Ashur GODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan») Nomoz SA'DULLAYEV To'lebergan QAIPBERGENOV Muslihidin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib) MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98 MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Anvar SAMADOV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida o'z raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 159 7289 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari O'za yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 Sotuvda erkin narxda